# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 20-21 (573-574)
2022 йил 18 март, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда.

Шу билан бирга, **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини рўёбга чиқариш адлия органлари тизимида маъмурий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш ва интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда тизим имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ушбу соҳаларда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш ҳамда мавжуд маъмурий тузилмаларнинг яхлит вертикал бошқарувини шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Мамлакатимизда адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳолига профессионал хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарувни яратиш, декларатив хусусиятга эга вазифаларни бекор қилиш, функцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш ва такрорланишларнинг олдини олиш орқали бюджет маблағларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг **Давлат хизматлари агентлиги** ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда **Интеллектуал мулк агентлиги** ва унинг ҳудудий марказларини вазифа, функция ва ваколатларини **Адлия вазирлигига** (кейинги ўринларда – Вазирлик) ўтказган ҳолда **қўшиб олиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлик зиммасига қуйидаги қўшимча **вазифалар** юклатилсин:

а) **аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида**:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига тезкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) **интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш йўналишида**:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиролар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

3. Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФҲДЁ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) **адлия бўлимлари тузилмасига ва бўйсунувига ўтказилади**;

б) Вазирлик:

Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интеллектуал мулк (интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли **давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

в) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш йўналишларини сақлаган ҳолда барча қолдиқ маблағлари билан биргаликда Вазирлик тасарруфига ўтказилади.

Агентликларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари тегишли равишда Вазирликнинг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармаси этиб қайта номлансин.

5. Вазирлик **бир ой муддатда** Давлат хизматлари агентлиги ва Интеллектуал мулк агентлигининг бино-иншоотлари, товар-моддий бойликлари, зарур ахборот тизимлари ва бошқа мол-мулкларини ҳамда тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясидаги вазифаларни амалга ошириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида **2022 йил 1 майдан** бошлаб қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

қонунчиликка мувофиқ маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда ҳудудий адлия органлари ижобий хулосаси олиниши белгиланган ҳолларда, бундай хулоса олинмасдан тегишли қарорларни қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди;

2-бет









## ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Наврўз умумхалқ байрами арафасида Наманган вилоятида бир қатор объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Янги Наманган тумани Давлат хизматлари маркази учун замонавий, барча шарт-шароитга эга бино халқимиз ихтиёрига топширилди.**

Марказнинг янги биноси маҳаллий бюджет ҳисобидан барпо этилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Европа Иттифоқи, БМТ Тараққиёт дастури қўшма лойиҳаси доирасида зарур воситалар билан жиҳозланди. Бугунги кунда туман 25 та маҳалла фуқаролар йиғинини қамраб олган бўлиб, 150 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Марказда фуқароларга соддалаштирилган хизматлар кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратилди. Навбатни тўғри ташкил этиш учун электрон навбат тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳоли, хусусан, кўп болали оилаларга мўлжалланган шинам кутиш заллари, болалар майдончаси ва бошқа шарт-шароитлар ҳозирланди.

Янги марказда бир кунда ўртача 150-250 нафар фуқарога 170 га яқин турдаги қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш имкони мавжуд. Давлат хизматлари марказида туман адлия ҳамда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳам фаолият олиб боради.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, Европа Иттифоқининг мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбари Франсуа Бежо, мазкур халқаро ташкилотга аъзо Руминия, Чехия, Латвия, Германия каби давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари масъуллари иштирок этди.

– Янги марказнинг имкониятлари кенг, – дейди БМТ вакили Матильда Димовска. – Хизмат турлари кўп. Масалан, кўзи ожизлар учун қандай хизмат қаерда жойлашгани ҳақида брайл харита мавжуд. Бундай марказларни Ўзбекистон Республикасининг яна 7 та ҳудудида ташкил этиш режалаштирилган.

Марказ Янги Наманган тумани аҳолиси учун қулай давлат хизматлари кўрсатиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

### Франциялик мутахассислар билан учрашув

**Қурилиш вазирлигида Франциянинг “Saint Global” компанияси ва унинг “Chryso” шўъба корхонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вазир ўринбосари Ў. Тўраев бошчилигидаги вазирлик мутасаддилари иштирок этдилар.**







Франциялик мутахассислар ўз фаолиятлари, хусусан, уй-жой ва саноат бозорлари учун материаллар ҳамда хизматларни ишлаб чиқиш, уни амалиётга татбиқ этиш ҳақида тақдимот қилишди. Компания асосан цемент, тайёр бетон ва бошқа қурилиш материалларига кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Учрашув сўнггида ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақида келишиб олинди.



### Номзодлар тест синовидан ўтказилди

**Вазирликнинг Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси етакчи мутахассиси ҳамда Ички аудит ва комплаенс бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларига номзодлар тест синовидан ўтказилди.**

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда соҳадаги шаффофликни ошириш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, ходимларни ишга қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўймаслик ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун вазирликда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, соҳада фаолият олиб бориш истагида бўлганлар кун сайин ортиб бормоқда. Албатта, тест синовидан муваффақиятли ўтган номзодлар билан соҳа мутахассислари суҳбат ўтказади ва шу тариқа муносиблар аниқланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

Вазирлик томонидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти мониторинг қилинади ҳамда унинг натижаси бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб:

муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ягона базасида (кейинги ўринларда – Ягона база) сақланади;

"Интеллектуал мулк маркази" давлат муассасаси Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича масъул – оператор этиб белгиланади;

объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилади;

муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага киритилгандан сўнг, унинг сақловга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилинади.

8. Вазирлик:

**2022 йил 1 июлга** қадар муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2023 йил 1 январга** қадар Ягона база ишлаб чиқилиб, жорий этилишини таъминласин.

9. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўзларига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун қуйидаги **қўшимча ваколатлар** берилсин:

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима қўллаш;

давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда юзага келган меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш.

10. Вазирлик ҳузуридаги **Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтига** қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

таҳлил ва тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни давлат органлари ҳамда ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиёти билан Адлия вазирлиги билан биргаликда жойига чиққан ҳолда танишиш;

тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали олимлари, бошқа ходимлари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;

шартнома асосида ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағларни (уларни амалга ошириш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда) 80 фоизгача ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтириш.

11. Белгилансинки, давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рағбатлантириш шартлари Институт ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

12. Вазирлик тузилмасида:

а) бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида:

Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси, Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармасидан иборат **Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик департаменти**;

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси ҳамда Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси негизида **Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси**;

Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси негизида **Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси**;

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ҳамда Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси негизида **Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси** ташкил этилсин;

б) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги қўшиб олиниши муносабати билан бўшаётган штат бирликлари доирасида:

Давлат хизматлари департаменти;

Интеллектуал мулк департаменти ташкил этилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Вазирликнинг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари штатлари биринчи навбатда Вазирликка қўшилаётган Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги тизими ходимлари ҳисобидан тўлдирилади.

Вазирлик **икки ой муддатда** ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) адлия бўлимлари ва давлат хизматлари марказлари раҳбарларини лавозимидан озод қилиш ҳамда ушбу лавозимни ички танлов асосида юксак малака ва юқори профессионал тайёргарликка эга бошқарув кадрлари билан тўлдиришни таъминласин.

14. Адлия вазирига:

Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасаларининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиалларига қўшимча штат бирликларини жорий қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

15. Вазирликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги қошидаги Интеллектуал мулк консультатив маркази" давлат унитар корхонасини **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Интеллектуал мулк маркази" давлат муассасаси** сифатида қайта ташкил этиш;

Давлат хизматлари агентлиги ҳузуридаги "Давлат хизматларини ривожлантириш илмий-амалий маркази" давлат муассасасини **Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Давлат хизматларини ривожлантириш маркази" давлат муассасаси** этиб қайта номлаш.

Белгилансинки, "Интеллектуал мулк маркази" давлат муассасаси интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни, шу жумладан, уларни рўйхатдан ўтказишга доир талабномаларнинг давлат экспертизасини ва улар юзасидан тегишли маълумотлар марказий сақловини амалга оширувчи махсус ваколатли ташкилот ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари **3-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Вазирлик:

**бир ой муддатда** Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ Вазирликнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

**уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб адлия вазири Р.Қ.Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б. Д. Исламов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 март

# ТУРАР ЖОЙЛАРНИНГ ЯРИМ ЕРТЎЛАЛАРИДА ЯШАШ ХОНАДОНЛАРИ ҚАЙ ТАРТИБДА ҚУРИЛАДИ?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов ОАВ вакилларига бу борада батафсил маълумот берди.**

Бош лойиҳа институтлари томонидан 5, 7, 9, 12 ва 16 қаватли турар жой биноларининг ярим ертўла қисмида яшаш хонадонларини жойлаштириш бўйича намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу турдаги уй-жойлар лойиҳаларида замонавий энергия тежамкор қурилиш материалларидан кенг миқёсда фойдаланиш назарда тутилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Янги қурилаётган турар жой биноларининг ярим ертўла яъни, цокол қаватларида қандай ҳолларда яшаш хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади?

Биринчи навбатда, ер ости сувлари ер сатҳидан 3 м ва ундан пастда бўлган ҳудудларда, шунингдек, ярим ертўла (цокол) қаватининг камида 1/3 қисми ер сатҳидан юқорида лойиҳалаштирилганда, ертўла хоналарининг полдан шифтгача бўлган баландлиги 2,4 метрдан кам бўлмаганда рухсат этилади.

Қолаверса, горизонтал муҳандислик тизимлар яшаш хоналарини инобатга олган ҳолда жойлаштирилганда, хоналарнинг ташқи деворлари ва полларида иссиқлик ҳимояси таъминланганда, тегишли санитария қоида ва нормалари талаблари бажарилганда, яшаш хоналаридан тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи деразалар ўрнатилганда, ҳавонинг яхши айланиши таъминланганда ярим ертўлаларда яшаш хоналарини жойлаштириш мумкин.

Бундан ташқари, ярим ертўла қаватидаги ошхона ва санитария хоналари канализация тизими, бинонинг умумий канализация тизими сатҳидан юқори жойлашганда ҳамда қайтарувчи клапан билан жиҳозланганда, таом тайёрлаш учун электр плиталардан фойдаланилганда, табиий ва суюлтирилган газларда, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларда ҳамда портлаб ёниш хавфига эга бўлган бошқа моддалар ва материалларда ишловчи қурилма ҳамда асбоб-ускуналар кўзда тутилмаганда ҳам рухсат бериши мумкин.

Ярим ертўлада яшаш хонадонлари жойлаштирилганда бир қанча эвакуация талаблари ҳам таъминланиши лозим. Яъни, кириш эшиклари ташқи томонга очилиши ҳамда ёнғин хавфи вужудга келганда одамларни эвакуация қилиш учун камида иккита тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи жойлари кўзда тутилиши керак. Қолаверса, хонадонлар фақатгина йўлак типида лойиҳалаштирилиши ҳамда квартирадан эвакуация чиқиш жойига биттадан кўп бўлмаган бурилиш орқали етиб борилиши таъминланиши зурур.

Хонадоннинг чиқиш эшигидан энг узоқда жойлашган эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофа 12 метрдан ошмаслиги, шунингдек, бинонинг юқори қаватлари билан ярим ертўла қаватлари зина катаклари тўғридан-тўғри боғланмаслиги, ҳар бир хонадон авария чиқиш жойлари билан таъминланиши ва бу чиқиш жойлари одамларни қутқаришга тўсқинлик қилувчи воситалар билан тўсилмаслиги лозим. Ярим ертўла қаватида жойлашган хонадонларнинг фойдали ва яшаш майдонлари лойиҳаларда 0,5 коэффициент билан ҳисобга олиниши ҳам қатъий белгиланган.

Ертўла ва ярим ертўла қаватларида нималарни жойлаштириш мумкин эмас?

Уйни қуришда ўтириладиган жойлари сони лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган, соат 23.00 дан кейин ҳам ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари, ресторанлар, кафелар, кафетерийлар, барлар, кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотларини, шунингдек, газ баллон, кимё воситалари, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда портлаб ёниш хавфи бўлган бошқа моддалар ва материаллар мавжуд маҳсулотларни сотувчи дўконларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, ишлаб чиқаришида тез ёнувчи моддаларни қўлловчи кимёвий тозалаш хоналари, 10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, ҳаммом, сауна. алоқа тармоқ станциялари, шаҳарлараро алоқанинг кеча-кундуз фойдаланиладиган сўзлашув пунктлари ва телеграф, жамоат ҳожатхоналари, маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари, саноат корхоналари фаолиятининг барча турлари, уй ҳайвонлари ва паррандалар боқишга ёки кўпайтиришга мўлжалланган жойлар ташкил қилишга ҳам рухсат этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг транспорт воситалари учун гаражлар (махсус лойиҳа асосида қурилган гаражлар бундан мустасно), яшаш жойлари, кинотеатр, ётоқхона ва меҳмонхоналар ташкил этиш ҳам мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Турар жой биноси ҳамда унинг томи ва конструкцияларида жамоат аҳамиятига эга бўлган бинога хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган, ўзидан зарарли моддалар ажратувчи, шовқин ва вибрация ҳосил қилувчи, ёмон таъсир кўрсатувчи нурланиш манбаи бўлган қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ушбу шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқ, турар жой биноларида жойлаштириладиган штатли ускуналар бундан мустасно. Булардан ташқари, яшашга мўлжалланган техник қаватлар ва чордоқларда кўчма ёки бошқа турдаги радиоалоқа база станциялари ҳамда радиоузатувчи қурилмаларни жойлаштиришга рухсат берилмайди.

Яшашга мўлжалланмаган жамоатчилик ва маъмурий-хизматчилик хоналарида Шаҳарсозлик норма қоидаларига мувофиқ, автоматик ёнғин сигнализацияси, ёнғиндан хабар бериш ва автоматик ўт ўчириш кўзда тутилиши керак.

Мавжуд турар жой биноларининг техник тагхоналари, ертўла ва ярим ертўла қаватларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий бизнес устахоналари ва тадбиркорлик фаолияти объектлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилиши мумкин.

Бунда кўп квартирали уйнинг ертўласида қуйидагиларнинг жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Хусусан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, сартарошхоналар, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, оптика, соат созлаш устахоналари, тикувчилик ва каштачилик, ателье, умумий овқатланиш корхоналари, ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликлар барлари, банк хизматлари кўрсатиш ташкилотлари, алоқа хизматлари кўрсатиш ташкилотлари ва курьерлик фаолияти, газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан савдо қилиш дўконларини жойлаштириш мумкин.

Шунингдек, рассомчилик ва ҳайкалтарошлик устахоналари, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорларнинг офис ва идоралари, видео ва фотосуратга олиш ҳамда компьютер хизматлари, таржима ва таҳрир хизматлари, дизайн, чизмачилик-графика ташкилотлари, кийим-кечак ва идишларни ижарага бериш ташкилотлари, риэлторлик ташкилотлари, газламаларга нақшлар солиш, трафаретли босма ва қўлда расм чизиш устахоналари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, давлат ташкилотлари, суғурта ташкилотларига рухсат берилади.

Ҳар бир инсон ҳаёти азиз, унинг хавфсизлиги биринчи ўринда туриши керак. Агар тегишли тартиб-қоидалар ва мутахассислар тавсияга кўра иш тутсак, эртага ўзимиз шу жойда бехатар яшаймиз.




# УЙ-ЖОЙЛАР НАРХИ ҚАЧОН АРЗОНЛАШАДИ?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аслида бунинг мезонлари жуда кўп нарсага боғлиқ. Қурилиш материаллари, янги техника ва технологиялар, тажрибали қурувчилар ва мукаммал лойиҳалар... Аммо шулардан энг биринчиси, албатта сифатли ва ҳамёнбоп қурилиш материаллари, десак, муболаға бўлмайди.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февраль куни қабул қилинган ПҚ-139-сонли "Уй-жой қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар юзасидан ўтказилган матбуот анжумани айни шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда Қурилиш вазирлиги ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси раҳбарияти ҳамда мутахассислари томонидан соҳада амалга оширилган ишлар, янгиликлар ҳақида маълумот берилди.

Жумладан, республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номутаносиблигини қисқартириш мақсадида Президентимизнинг юқоридаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, республиканинг 8 та туманида хом ашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, қарорда 16 та туман ва шаҳарларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш таъкидланган.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан тортиб, тайёр кўп қаватли уй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиши кластерларини ташкил этиш белгиланган. Қарорга мувофиқ, ушбу ташкил этиладиган кластерларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича 2022-2023 йилларда давлат бюджетидан 200 млрд сўм, шундан жорий йилда 101 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

– Жорий йил 1 мартдан бошлаб, барча юридик шахсларга республикада ишлаб чиқариладиган цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри экспортга (квотасиз) сотишга рухсат берилди, – дейди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳром Аллаберганов. – Натижада, қурилиш материалларининг экспорти ўтган йилга нисбатан 1,4 бароварга ошиб, 600 млн долларга етказилади. Ушбу кўрсаткич 2026 йилга бориб 1 млрд доллардан оширилиши режалаштирилмоқда. Қарор билан, қурилиш материалларини экспорт қилувчи корхоналарга барча давлатларга, жумладан, чегарадош давлатларга экспорт қилганда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар ҳам тақдим этилади. 2022 йил якунига қадар "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштириш учун 300 миллион доллар миқдорда халқаро корпоратив облигациялар чиқарилиб, жойлаштирилади.

Шунингдек, Уй-жой қурилиши кластерларини қўллаб-қувватлаш учун 150 миллион доллари миқдорида ҳукумат кафолатисиз хорижий кредит линияларининг маблағлари жалб қилиниши кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан Давлат геология қўмитасига геология-қидирув ишлари учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 400 та фойдали қазилма кон участкалари аукцион савдоларига чиқарилади.

– Президентимизнинг "Уй-жой қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида қурилиш материаллари ва уй-жой қурилиши кластерлари фаолиятини тартибга солувчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи берилган, – дейди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Элёр Комилов. – Бу борада Қурилиш вазирлиги алоқадор вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда уларнинг тегишли таклиф ва фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, ушбу ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Қарорда бино ва иншоотлар қурилишида энергия тежамкор материалларни, хусусан, автоклав газобетонли конструкциялар ва йирик фибробетонли панелларни қўллаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топшириғи ҳам берилган. Бу борада ҳам ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, ШНҚ 3.03.09-22 "Энергия тежамкор деворбоп тўсувчи конструкциялар. Бинолар қурилишда автоклавли силикатли газобетон конструкцияларни қўллаш. Лойиҳалаш ва қурилиш талаблари" Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилот ва идоралар билан келишув ишлари амалга ошириляпти.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ, уй-жойлар қурилишини янада арзонлаштириш мақсадида Қурилиш вазирлиги томонидан буюртмачи хизмати ташкилотларига – уй-жойлар бўйича лойиҳалаштириш юзасидан техник топшириқларни ишлаб чиқишда, уларда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материалларини қўллашга асосий эътиборни қаратиш, лойиҳа-қидирув ташкилотларига – кўп қаватли уй-жойлар қурилиши объектлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллардан кенг фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга қўлланмоқда.

# «QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ
# БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон
ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва
кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари –
Янги кун наволари янграмоқда.
Ана шундай фараҳбахш лаҳзалар ҳар бирингизни
йил давомида тарк этмасин,

**Шарқона янги йил
барчангизга муборак бўлсин!**




1928
«O‘ZSHAHARSOZLIK LITI»
«O‘ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси
Наврўз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси,
маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.
Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуғ айёмни қандай пок
ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам
халқимиз мана шундай кўтаринки кайфият билан
Наврўзга пешвоз чиқмоқда.
Кўклам айёми билан барча юртдошларимизни муборакбод этамиз!


O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKSIYADORLIK JAMIYATI
O‘ZOG‘IRSANOATLOYIHA
INSTITUTI
Юртимизга гўзал кўкламойнинг ташрифи
Наврўз айёмига уланиб, кексаю ёш
юртдошларимизга қувонч улашади.
Сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгу
қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини
ўзаро баҳам кўраётган меҳридарё халқимизни
Наврўзи олам
билан табриклаймиз!


"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК
ва унинг филиаллари жамоалари
Беғубор баҳорнинг энг эзгу байрами –
Наврўз барчага қутлуғ бўлсин.
Кўнгиллар обод бўлиб, юртимиздан қут-барака аримасин.
Ҳар бир кунимиз Наврўздек шоду хуррамликда ўтсин!
Аҳиллик, оқибат, садоқату муҳаббат ҳеч бир
қалбни асло тарк этмасин!
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№20-21 (573-574) 2022 йил 18 март










«ГИДРОПРОЕКТ» АЖ
жамоаси
Она диёримизга баҳор ўз сепини ёйиб, қалбларга қувонч улашаётган шундай шукуҳли ва бетакрор дамларда кўнгиллар ҳар бир кунни байрамдек ўтказишни истайди. Эзгу айём барчага аҳиллик, бирдамлик ва меҳр-оқибат туйғуларини олиб келсин.
Наврўзингиз муборак бўлсин, қадрли юртдошлар!


«O‘ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH» ДУК
жамоаси
Кўҳна ва мудом севимли байрамлардан бири – Наврўз барча соҳа вакилларига муборак бўлсин!
Эзгу ишларингизга омад ёр бўлиб, хонадонингиз кут-баракага тўлсин.
Касбингизга ривож, оилангизга тинчлик-тотувлик ва юртимизга фаровонлик тилайди.

# Ассалом, Наврўз — янгиланиш,

## Кўнгилларга кўчган табаррук айём

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

**Ҳали қиш келмасидан, кеч кузакданоқ баҳорни соғина бошладим. Тушунтириш анча мушкул бўлган бу ҳолат мана икки йилдирки такрорланмоқда. Истайдими, йўқми, барибир одамзот борлиқнинг, ён-атрофимизда кечаётган воқеликларнинг бир бўлаги деб ҳис этаркан ўзини.**

Тўғриси, икки йилдирки, инсоният пандемия балоси, яна қанча тала тўплар сабабли тинчлик, хотиржамлик, осойишталик, рўшнолик, осуда ҳаёт, тани-сиҳатликнинг қадрига илгаригидан кўра тобора кўпроқ ета бошлади. Гарчи ўн кундан ортиқроқ вақт ёмғир эринмай ёғаётган бўлса-да, мафтункор баҳорнинг келгани қалбларимизга илиқ туйғуларни олиб кирди.

Қиш-қировли кунларнинг ортда қолганига, омонликка шукроналик дилларда устувор. Бу йилги баҳор айёми ҳар қачонгидан ҳам соғинчлироқ, таъбир жоиз бўлса, ҳар қачонгидан ҳам арзандароқ бўлди. Шунданми, қиш якунига етиши билан барча ҳамюртларимиз бир-бирларини баҳор, яшариш, янгиланиш айёми билан қутладилар. Келгуси баҳорларга эсон-омонликда етиб олишдек эзгу тилакларни билдирдилар.

Давлатимиз раҳбарининг “2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори жорий йилнинг 17 февралида қабул қилинган бўлса-да, миллионлаб қалбларга баҳорий кайфиятни, кўклам нафасини, қайсидир маънода баҳорий соғинчни, энтикишни олиб келгани тайин. Аслида халқимизда баҳор фасли тинчлик, янгиланиш, яшариш каби тушунчалар билан ҳамоҳанг саналади.

Бугун мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини ҳам баҳорнинг шиддатли ўзгаришларига ҳар қанча қиёсласак арзийди. Ўзгармаган, янгиланмаган жабҳанинг ўзи қолмади. Мамлакатимизга хориждан келаётган меҳмонлар бу эзгу ислоҳотлардан, янгиланиш сари қадам қўйган Ўзбекистонимиздан ҳайратланмоқда. Бу каби ўзгаришлар жараёни эса эндиликда жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари, энг олис жойларида ҳам рўй бермоқда.

Яшариш ва янгиланиш айёмига хос бўлган тинчликни ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ўзбекистонни ўз она диёри деб билгувчи барча ҳамюртларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни, тотувликни, дўстона муҳитни сақлаш, уни олий қадрият сифатида эъзозлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида оддий одамларга енгиллик яратиш, уларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор ечим топиш, айниқса, аҳолининг қийналган, эҳтиёжманд қатламларини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Орзиқиб кутганимиз – бу йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “Ассалом, Наврўз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олис қишлоқларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида нишонланаётган ушбу айём давомида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этишга катта аҳамият қаратилади.

Президентимизнинг юқорида номи келтирилган қарорига асосан, Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари янада кенг қулоч ёзади.

Янгиланиш айёми тадбирлари арафасида маҳаллаларимиз, қишлоқларимиз ҳудудлари янада обод, ораста, озода кўриниш касб этади. Кўча ва хиёбонларга минг-минглаб мевали, манзарали дарахтлар, бута кўчатлари, анвойи гулларнинг ниҳоллари қадалади.

Миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга оид тизимли ишларнинг натижалари, юртимизда истиқомат қилиб, Ўзбекистонни ўзининг ягона ва табаррук юрти, деб билаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Байрам яқинлашгани сайин баҳор айёми, қадрдон Наврўз байрамига бағишланган кўргазмалар, ижодий ҳафталиклар, учрашувлар, тақдимотлар, мусиқий дастурлар, ранг-баранг тадбирлар, ижтимоий хайриялари тобора авж олмоқда.

...Нуроний онахон деразага боқиб, ёмғирдан зериккан осмонда қийқириб учаётган қалдирғочларга қараб, дуога оҳиста қўл очади. “Илоҳим юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин! Келаси баҳорларга эсон-омонликда, бағри бутунликда етайлик!” Дарҳақиқат, баҳорий янгиланишнинг, Наврўзнинг ҳаётбахш ғоялари қалбларимизга, орзу-умидларимизга, ниятларимизга, ҳаётимизга кўчгани рост бўлсин!



*Иқбол Мирзо,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

### Наврўз қўшиғи

*Баҳорни билмаган элларни кўрдим,*
*Бир чечак кулмаган ерларни кўрдим.*
*Ўзингни соғиниб келади Наврўз,*
*Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,*
*Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.*

*Чучмома чайқалиб, чалар қўнғироқ,*
*Ҳаёт ҳидин сочар уйғонган тупроқ,*
*Илдиз сувратини чизади чақмоқ,*
*Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,*
*Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.*

*Меҳмонни чорлайди сумалакларинг,*
*Қизларинг боғлайди жамалакларин.*
*Саодатга кўприк камалакларинг,*
*Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,*
*Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.*

*Эй, кафти қадоғу кўнгли юмшоқ эл,*
*Қуёшда қорайган, юраги оқ эл,*
*Дуога қўл очган, тилаги оқ эл,*
*Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,*
*Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.*

*Муқаддас еринг бор, қутлуғ осмон бор,*
*Суянган тоғинг бор, дилда иймон бор.*
*Улуғ боғистонга буюк боғбон бор,*
*Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,*
*Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.*

## Bahor sayli



**Toshkent arxitektura-qurilish institutiga biriktirilgan Yunusobod mahallasida bahor sayli bo‘lib o‘tdi. Erta tongdan doshqozonda Navro‘zning asosiy taomi hisoblangan sumalakni mehr ila tayyorlash boshlab yuborildi.**

Institutning Arxitektura fakulteti rahbariyati, talabalari hamda mahalla faollari hamkorligida tashkil etilgan tadbir doirasida “Navro‘z ayyomingiz muborak bo‘lsin!” mavzusida xayru saxovat marafoni ham o‘tkazildi.

Ushbu tadbir davomida mahallada istiqomat qilayotgan kam ta’minlangan, ijtimoiy himoyaga muhtoj, nogiron va keksa yoshli aholi vakillari hamda mahalla fuqarolariga bayram dasturxoni tashkil etildi.

Tantanalar davomida mahalla fuqarolariga bayram oshi va sumalak tarqatildi hamda institut talabalari tomonidan tashkil etilgan konsert dasturi mahalla ahli kayfiyatiga bayramona ko‘tarinkilik baxsh etdi.

**O‘z muxbirimiz.**

## БОЙЧЕЧАК АЙТГАН БОЛА

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қишлоқнинг уч-тўрт нафар қора-қура болакайлари кундузи қирдан амаллаб топиб келиб, сўлиб қолмаслиги учун кечгача асраб-авайлаган бойчечакни қўлларида тутганича қадимий қўшиқни уйма-уй айтиб юришибди.**

Болаларнинг қўлида намхуш тупроқ устидан оппоқ қоғозга ўралган, худдики кишиларга баҳордан дарак бераётганидан уялгандек сиёҳранг бойчечаклар майингина жилмайиб турибди.

Хонадон эгалари болаларни яхши танийди. Бойчечак айтувчилар кимнинг ўғли ёки набираси эканлиги уларга беш қўлдай маълум. Қолаверса, қишлоқ одамлари танти бўлади, эшигига келганни қуруқ қайтаришни уят деб билади. Шу боис, қадимий одатларга кўра, баҳордан дарак бериб “Бойчечак” айтиб келувчиларга бир сиқим ширинлик ёки қанчадир пул бериш одатга айланган. Бундан ҳеч ким норози ҳам бўлмайди, оғринмайди ҳам. Аммо...

Болакайлар навбатдаги хонадонга кириб, қўшиқни куйлай бошлашди:

*Бойчечак,*
*Бойчечак...*

Жўр овозда куйлаётган болаларга пешвоз чиққан жувон уларнинг ҳар бирига турмуш ўртоғи берган пулни тарқатаркан, бир болакайга навбат келганида:

– Вой, сенга нима етишмайди-я, ота-онанг чет элдан пул жўнатиб турган бўлса, – дея иддао қилди.

Аёлнинг бу гапидан кейин узатилган қўлини шартта тортиб олган болакай унга алам билан тикилганча:

– Мен “Бойчечак”ни пул учун айтмайман, пулиз кеpакмас, – деганича уйи томон югуриб кетди.

– Ўзи бир қаричгина-ю, бурни осмондалигини қаранглар. Тавба, пул учун айтмаса, унда нима учун айтади?

Воқеанинг моҳиятини тўла англамаган бошқа болалар кейинги хонадонда қўшиқни давом эттиришарди:

*Бойчечак,*
*Бойчечак...*

Бир оз олдин бойчечагини кўтариб, ўртоқлари билан хушнуд чиқиб кетган набирасининг кўзида ёш билан қайтиб келганини кўриб Нодира бувининг жон-пони чиқиб кетди. Қизи билан куёви чет элга ишлагани кетгани учун икки ёшлигидан буён набирасига ўзи қарайди. Тенгдошлари орасида ўксимасин, ота-онаси узоқдалиги билинмасин дея, кўнглига қараб, топганини шунга илинади.

– Нима бўлди сенга, жоним болам, нега йиғлаяпсан?

– Мен энди ҳеч қачон бойчечак айтмайман, – деди болакай бурнини тортганча.

Лекин бувисининг савол назари билан ҳамон боқиб турган кўзларига қараб, нима бўлганини айтмаса, қутилмаслигини билди.

– Бувижон, “Бойчечак”ни пул учун айтишадими?

Умри давомида ҳар хил инсонлар ва турли вазиятларга гувоҳ бўлган Нодира буви набирасининг нима демоқчилигини дарҳол пайқади.

Демак, кимдир унинг кўнглини оғритган.

– Шу гапни ким айтган бўлса ҳам, эсини ебди. Ахир, “Бойчечак” қадимдан айтилиб келинаётган халқ қўшиқларидан ҳисобланади. Бу баҳорнинг илк гули бўлгани учун, уни ким биринчи топса, шу қўшиқни айтиш орқали бошқаларга баҳор келганидан дарак берган. Гулни қўлига олган кишилар кўзига суртиб: “Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик. Янаги йил баҳорга эсон-омон етайлик” дея ният қилишган. Ўзбек халқи меҳрибон бўлгани учун баҳордан дарак бериб гул кўтариб қўшиқ куйлаб келган кишини қуруқ қайтармаган. Бу ахир, қўшиқни пул учун айтади, дегани эмас-ку! Сен жуда савобли иш қиляпсан, ахир, бу гулни қанча қийинчилик билан топиб келдинг. Бошқаларни баҳор билан табриклашнинг нимаси ёмон?

Бувисининг гапларидан кўнгли кўтарилган болакайнинг ҳам юзига табассум қўнди. Сўнгра, “Бойчечак” деган товуш келаётган қишлоқнинг нариги бурчаги томон югуриб кетди.

Эртаси куни қўшни ҳовлидаги сумалак сайлига чиққан Нодира буви бир уй бўлиб кеча болаларнинг “Бойчечак” айтгани ҳақида суҳбатлашаётган аёлларга кўнглидагиларни тўкиб-сочди:

– Бойчечак айтган боланинг бегонаси бўлмайди. Фақат беғубор қалбли инсонларгина бу митти чечакни қидириб топиб, уни бошқаларга етказишади. Бировни кўнглини оғритишдан эҳтиёт бўлайлик.

Бувининг бу гапларини доимий насиҳатларидан бири сифатида қабул қилган аёллар бир овоздан маъқуллаб қўйишди. Фақатгина бир жувон бошини ердан кўтаролмай, уятдан икки юзи ловлов ёниб турарди...



*Эркиной ҚАРШИЕВА*

### Бойчечак айтиб келгин

*Бойчечак айтиб келган болажоним,*
*Ўлан айтган тилларингдан айланайин,*
*Қўлларингда ифор сочиб, титраб турган*
*Бойчечакнинг бўйларига бойланайин.*

*Бойчечак айтиб келган болажоним,*
*Сенинг билан элимизга бахт дорисин.*
*Ғубор кетсин сўнгги қордек юраклардан,*
*Ғам толдирган дилимиздан дард арисин.*

*Бойчечак айтиб келган болажоним,*
*Сенла очсин фаришталар эшикларни.*
*Ният қилдик ўғил берсин қўчқордайин,*
*Чақалоқлар безаб турсин бешикларни.*

*Бойчечак айтиб келган болажоним,*
*Ҳар баҳорда қўшиғингни айтиб юргин.*
*Қозон осиб, қўйлар сўйиб, тўй қилайлик,*
*Тўйимизда бойчечакни айтиб тургин.*

# меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!



## Эзгу ниятлар амалга ошадиган кун

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**– Малоҳат буви, ҳув, Малоҳат буви, – деганча ёшгина жувон қўшни хонадонга кириб келди.**

**– Келинг, Зарнигорхон, яхшимисиз?**

**Унга пешвоз чиққан хонадон бекаси қучоқ очиб кутиб олди.**

**– Эртага қишлоқда Наврўз сайли бўлар экан, шунга кўк сомса пишириб чиқаман, деб ният қилгандим. Ўзимиздаги исмалоқ камлик қиларкан, шунга томорқангиздан озроқ териб олсам дегандим.**

**– Майли қизим, истаганингизча териб олаверинг. Кўпни дуосини олиш энг катта савоб. Илоҳим дилингиздаги барча ниятларингиз амалга ошсин. Мен ҳам келиним билан патирнинг ҳаракатини бошладик.**

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги баъзи қишлоқларда бу анъана ҳамон мавжуд. Ҳар йили қишлоқ четидаги тепаликда нишонланадиган Наврўз байрамига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшади. Кимдир ошнинг масаллиғини "кўтарса", бошқаси битта қўй атайди. Шу боис, байрам дастурхони бекаму кўст ва тўкин-сочин бўлади.

Байрам тугагач, дуоталаб кишилар ўртага чиқиб, ниятини айтади. Шу билан бирга кейинги сайл дастурхонига нимадир "атайди". Кўпнинг дуоси кўл бўлур, деганларидек, ният қилиб эҳсон атаган кишининг орзуси амалга ошиши учун бутун қишлоқ оқсоқоллару онахонлар бошчилигида дуо қилишади.

Энг қизиғи нималигини айтайми? Кўплашиб қилинган бу ниятлар, албатта ижобат бўлади. Ишонмайсизми?

Масалан, тўрт қизидан кейин шу байрамда қўй атаб, ният қилган Беҳзод ака бир йил ўтар-ўтмас, паҳлавондек ўғилли бўлди. Беш ўғилнинг севимли онаси неча йилдирки ҳаж сафарига боришни ният қилар, аммо ҳеч навбати келай демасди. Бултурги байрамда катта дошқозонда сумалак пишириб, ҳамқишлоқларидан дуонинг каттасини олган ўғиллари туфайли Моҳина момо эртанги сайлга ҳожи она бўлиб ташриф буюради. Маъруф бобонинг йиллар давомида талабалик насиб қилмаган ўғли бугун Тошкентдаги энг нуфузли университетда ўқияпти. Холида янганинг туғилганидан буён оёғидаги нуқсон туфайли шу пайтгача юролмайдиган кенжа қизи сўнги операциядан эсон-омон чиқиб, атак-чечак қадам ташлай бошлади...

Эҳҳе, бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Балки бу шунчаки тасодифдир ёки бир мўъжиза. Аммо билганим шуки, бу улуғ кунда чин дилдан қилинган барча эзгу тилаклар албатта, амалга ошади. Ахир, Наврўз пок ниятлар айёми, меҳр-оқибат, аҳиллик ва покизалик тимсоли. Мўжизалигининг сабаби ҳам шудир аслида.

Рости ҳам, Наврўз миллий қадриятларимизни тараннум этувчи ҳақиқий халқ байрами бўлиб, унинг ўзига хос тарихи халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюклар ўз асарларида Наврўзи олам тарихи, унинг моҳияти ҳақида ёзишган. Ота-боболаримиз Наврўзни байрам қилишдан ташқари, у билан боғлиқ бўлган табиат ҳодисаларини ҳам кузатганлар. Бу кузатувларини қўлёзма ҳамда босма китобларда ёзиб қолдирган. Манбаларда айтилишича, араблар истилосидан анча илгариги даврларда ҳам бу байрам кенг нишонланган.

Бир донишманддан Наврўз қачондан бошлаб байрам қилинганини сўрашганда, у: "Ой ва Қуёш пайдо бўлган пайтдан бошлаб байрам қилинган", деб жавоб берган экан. Абу Райҳон Беруний ҳам "Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидай, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир", деб ёзган. Наврўзда, яъни баҳорда кеча ва кундуз тенглашади, кузда эса бу ҳолатнинг такрорланиши кузатилади. Бу ҳолат Меҳржон деб аталган.

Наврўз элимизнинг севимли байрами, чунки инсон қишдан анча зада бўлиб, зерикиб чиқади. Фасллар келинчаги баҳорни орзиқиб, соғиниб кутиб олади. Деҳқон боболар кўкламги ишни Наврўзи оламнинг илк кунларидан бошлайди. Ер ҳам йилбошини кутиб ётгандай, эркин нафас олиб, жонланади, уна бошлайди...

Қадимда ҳам умумхалқ байрами Наврўзни кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилган. Байрам олдидан уй-жойлар тозаланган, ҳовли ва боғлар анвойи гуллар билан безалган, ҳамма ўзига янги кийимлар тиктирган. Наврўз кунлари кишилар қўни-қўшни, қариялар, ёр-биродарлар ва қариндошлар билан дийдорлашишган, араз-гиналарга барҳам беришган. Бу улуғ айём давомида беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Марҳумларнинг қабрлари зиёрат этилган.

Юртимизда Наврўз байрами олдидан анъанавий равишда умумхалқ хайрия ҳашарининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Эзгу амаллар ижобат бўладиган, ниятлар амалга ошадиган муборак кунни пок сўз ва пок ишлар билан бошлаш кераклиги аллақачон қадрият даражасига кўтарилган.

Демак, қишлоқдошларнинг ҳар байрамда талашиб-тортишиб, ният қилиши ҳам бежиз эмас экан-да.

Насибамиз қўшилган экан, бу йилги Наврўз байрамини қишлоқда нишонладик. Катта қозонларда сумалаклар қайнади, ошлар дамланди, дастурхонлар тузалди. Аёллару келинларнинг қўлларида катта-катта тоғоралар. Барчасида баҳорнинг тансиқ таомлари. Улар орасида кеча қўшнисининг томорқасидан исмалоқ териб кетган келинни ҳам учратиб, кўнглим бир нималарни сезгандай бўлди. Ҳамқишлоқларнинг айтишича, 7 йилдан буён тирноққа зор. Демак, ўтган байрамда у ҳам элнинг дуосини олган экан.

Адашмаган эканман, кўришаётган пайтимиз қулоғимга секингина шивирлади:

– Яқинда хола бўласиз...

Ана, сизга нима деган эдим? Улуғ байрамдаги эзгу ният ва у амалга ошиши учун қилинган дуо албатта, ижобат бўлмай қолмайди. Наврўзнинг асл мўъжизаси ҳам шу аслида.

## Турналар

*Райҳона ХЎЖАЕВА*

*Дарак бериб гул Наврўздан – баҳордан,*
*Қур-қурлашиб эрта тонгдан – наҳордан,*
*Бедор бўлинг, парвоз айланг саҳардан,*
*Кела қолинг арқон солиб турналар.*

*Болаларга чексиз қувонч бахш этган,*
*Самоларда тенгсиз чирой накш этган,*
*Еру кўкни аъло этган, арш этган,*
*Кела қолинг арқон солиб турналар.*

*Ҳар баҳорда соғинтириб келасиз,*
*Қараб турсам, шамол каби еласиз*
*Баҳоргача қаерларда юрасиз,*
*Кела қолинг арқон солиб турналар.*

*Озод юртим осмонида учингиз.*
*Қулоч ёзиб самоларни қучингиз,*
*Бахт улашиш ахир сизнинг бурчингиз,*
*Кела қолинг арқон солиб турналар.*

*Ҳей, ҳей,*
*келинг,*
*кела қолинг,*
*турналар!*

## Эргенекондан форсларга қадар Наврўз йўли

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Эргенекон" достони ҳақида эшитганмисиз? Қисман мўғилларнинг туғилиш достони ўлароқ билинса-да, қадимги Хитой қўлёзмаларида бу атама туркий Кўктуркларнинг қайта туғилиш афсонаси шаклида сақланиб қолган. Катта эҳтимол билан бу халқимиз учун қисман ёт унсурлигича қолмоқда.**

Аслида айрим қадим туркийлар орасида форсча Наврўз – янги кун атамаси ёйилмасдан аввал баҳорги тенгкунлик "Эргенекон" байрами сифатида кўрилган. Туркий тилларга форс-арабча сўзларнинг флектив кириб келиши табиий ҳолдир. Хусусан, X асрдан кейинги даврларда ҳам Кичик Осиё турклари орасида пайғамбар сўзи "Ялвоч" шаклида қўлланилган. Кейинчалик, форс-тожикча пайғамбар калимасига эврилган. Наврўз атамасининг қўлланилиши ҳам шу тахлит юзага келган. Ўтмишда туркийлар янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз байрамини – "Эргенекон", "Янги кун" ёки "Баҳор байрами" сифатида номлаган. Форслар эса янги йил ёки янги куннинг бошланишини одатда кузак – куз палласида нишонлашган. Қизиқ, Наврўз форсий байрамми ёки туркий?

Аслида Наврўз байрамининг вужудга келиши ҳар халқда ҳар хил шакл касб этган. Бугунги кунда Болқон давлатларидан тортиб, Форс кўрфази, Россия федерацияси ҳудудларидаги туркийлардан тортиб, Афғонистон ва Шарқий Туркистон уйғурларигача бўлган улкан географияда Наврўз – Янги кун шодиёналари халқона баҳорий байрам сифатида нишонланади.

Қадимги форс манбаларида эса Наврўз байрами ҳақидаги қарашлар нисбатан мураккаб шакл касб этади. Форс тарихида наврўз атамаси нисбатан сиёсий-диний воқеалар билан боғланган. Шоҳ Жамшид афсоналари ҳам бунинг бир кўринишидир. Милоддан аввалги 531 йил Форс императори Кайҳусравнинг Мидия шоҳи Астиякни мағлуб этиб, форс давлатини барпо этган даврдир. Милоддан аввалги 539-598 йилларда форслар томонидан Бобил давлатининг тугатилиши, Навуходоносорнинг ўлдирилиш куни, шунингдек, милоддан аввалги 612 йилда Ассурия шоҳининг қатл қилиниши форслар томонидан Наврўз – янги кун сифатида кўрилган. Хусусан, Ўрта Осиё араблар томонидан истило қилингунга қадар Наврўз – янги кун атамаси араб маданий ҳаёти учун бегона эди. Кейинчалик, араблар мазкур анъанани ўзига сингдиради. Араб қарашларидаги Одам Атонинг наврўзда яратилиши каби унсурларнинг келиб чиқиши ҳам бевосита шунга алоқадордир.

Бу айёмнинг ўртага чиқиши туркийларда бир қанча афсона-достон орқали бизгача етиб келган. Булардан энг кўп тарқалгани эса, шубҳасиз, "Эргенекон" достонидир. Ушбу афсонанинг содир бўлиши ва Наврўз байрами билан алоқадорлиги ҳамин қадар қизиқарлидир.

Достонга кўра, Мўғил элида Ўғизхон авлодларидан саналган Илхон ҳукмронлик қилар эди. Ўша даврда Татар туркларининг хони Севинч Илхон ҳукмидаги ерларга ҳужум қилади ва тез орада унинг идорасидаги қўшинни енгади. Севинчхон Илхон тасарруфидаги кишиларни бир-бир ўлдиришга киришади. Фақатгина қирғиндан ўғиз аслли Илхоннинг кенжа ўғли Қиён ва унинг хотини Нукуз омон қолади. Бу икки жуфт ҳеч кимнинг қадами етмайдиган, кимса топа олмайдиган ерларга қочиб қутилиш тадбирини кўрадилар. Улар кўп юриб, турли ўт-ўланлар, мевали дарахтларга бой водийга келади. Водий бутунлай тоғлар билан қуршалган эди. Бу ҳудудни қиялик, тоғ камари, ўнгур маъносида келувчи "эргене" ва тик, чўққи маъносидаги "кон" сўзларини бирлаштириб, "Эргенекон" деб атайди. Орадан 400 йил ўтиб, Қиён ва Нукузнинг авлодлари шу қадар кўпаядики, водийга сиғмай қолади. Авлодлар бир замонлар Қиён ва Нукуз кириб келган тоғлар орасидаги чиқиш йўлини унутади. Улар тоғ-у тош камарида сиқилиб қолгач, бу ердан қутилиш пайига тушади. Бир темирчининг таклифи билан тоғнинг темир маъданга бой қисмида ўтин ва кўмир ёқади. Вақт ўтган сайин темир-тоғни эритиб, ташқарига туйнук очади. Шу тариқа Қиён ва Нукузнинг авлодлари тоғлар орасидан қутилиб, эски ватанларига қайтишади. Бугунги Наврўз ёки туркийлардаги "Эргенекон" байрамининг юзага чиқишида айни шу билан алоқадор афсона сифатида кўрилади. Бу турк қавмининг тоғлар орасидан қутилиши айнан кун ва туннинг тенглашган қисми ёки ҳозирги 21 мартга тўғри келади. Улар шу кунни Янги кун деб атаб, байрам сифатида нишонлай бошлашади. Наврўз сўзининг этимологиясидан келиб чиқиб, уни форсийлаштириш янглишдир. Наврўз байрами номоддий-маданий мерос сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган. Аслида баҳорий тенгкунликнинг нисбатан географик нуқтаи назардан кўпроқ шарқона байрам сифатида англаш қийин эмас. Кўп мингйилликлар давомида Ўрта Осиёда туркийлар ва форсийлар бақамти яшаб келишган. Наврўз ёки Эргенекон байрамлари эса бу икки халқнинг ўзига хос анъана ва қадриятларини намоён этади. Бу Эргенекондан форсларга қадар узанган Наврўз йўлидир...

## Пастдарғомда Наврўз бошланди

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наврўз шодиёналари халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассам этиши билан аҳамиятли. Бу байрам ўзаро тотувлик, янгиланиш ва қут-барака рамзидир. Шу кунларда диёримизнинг барча жойларида байрам шукуҳи ҳукмрон.**

Самарқанд вилоятининг туман ва шаҳарларида ҳам байрам тадбирлари эрта бошланди. Хусусан, Пастдарғом тумани марказида жойлашган 3-секторга қарашли маҳаллаларда Наврўз шодиёналари ўтказилмоқда. Тадбир дастлаб "Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам" лойиҳаси доирасида юриш марафони билан старт олди.

Кейинги тадбирлар туманнинг 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида давом эттирилди. Ташкиллаштирилган спорт мусобақалари, миллий таомлар кўргазмалар-у тўкин дастурхонлар, миллий қўшиқ ва лапарларнинг хуш навоси йиғилганларга кўтаринкилик бахш этди.

## Янгиланиш, меҳр-оқибат айёми

**Гулноза БОБОЕВА,**
ЎзА мухбири.

**Шу кунларда ажиб манзаралар билан табиат уйғонмоқда. Ҳадемай, юртимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Қадим тарихга эга бу байрам халқимизнинг азалий урф-одатлари, миллий анъаналарини ўзида мужассам этади.**

Наврўзни ўтмишдан Шарқ халқлари кенг нишонлаб, янгиланиш, покланиш, яшариш, юксалиш байрами сифатида шарафлаган. Маълумки, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида Наврўзга бағишланган кўплаб халқ қўшиқлари келтирилган. Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома"сида, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломаларнинг асарларида учрайди.

Ўрта Осиё ҳудудида Наврўз байрами янги йилнинг бошланиши, деб қувонч билан кутиб олинган. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган. Бу байрам деҳқон, чўпон, ҳунарманд, қўйингки, ҳаммамизнинг ҳақиқий умумхалқ байрамимиз. Асрлар ўтиши билан турли халқларда Наврўз байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган.

Қадимдан Наврўз киришидан бир неча кун илгари тайёргарлик ишлари бошланган. Буғдойни ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан шоҳ таом – сумалак тайёрланган. Кўк чучвара, ялпиз сомса, ҳалим каби таомлар пиширилган. Отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган. Баҳор ҳақида қўшиқлар, бахшиларнинг терма, достонлари куйланган. Наврўзнинг биринчи куни қишлоқ жойларида болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Наврўзга бағишланган қўшиқ айтишган.

Хонадон эгаси уларни совға-салом ва эгуликлар билан сийлаган. Бу удум ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларида сақланган.

Наврўз янги йил байрамигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам ҳисобланган. Тарихда Наврўзга муносабат доимо бир хил бўлиб келмаган. Турли даврларда Наврўз байрамига у ёки бу даражада аралашувлар бўлган. Масалан, Сосонийлар даврида Наврўзни ёзги тенгкунликда нишонлашни расм қилишган. Лекин халқ байрами сифатида у барибир баҳорда кутиб олинаверган, яъни, бу каби уринишлар самарасиз қолган.

Наврўзга энг қўпол тазйиқ эса шўролар даври сиёсати билан боғлиқ. Собиқ Иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. Асоссиз равишда Наврўз диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар каторида Наврўз байрами яна тикланди, янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, концерт дастурлари, фольклор-этнографик жамоаларнинг турли ашула ва рақслари, шўх яллалар, полвону чавандозлар чиқиши янги-янги кўринишда нишонланади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади.

Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, ташкилотлар томонидан меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға-саломлар улашади.

2009 йилда Наврўз номоддий маданий мерос намуналаридан бири сифатида ЮНЕСКО ташкилотининг рўйхатидан жой олган.

Бу йилги Наврўз айёми ҳам халқ ўйинлари, оғзаки ижоди намуналари билан ҳамюртларимизнинг чинакам жозибадор байрамига айланади. Зеро, бундай шодиёналар тинч, осойишта ва фаровон юртга ярашади.


Ўрик гулларидан таралган ифор-у серунум
тупроқларни силаган ёмғирлар, баҳорий қушларнинг
чуғури-ю шукуҳнинг тимсоли –Баҳор.
Муқаддас заминимизда яшаётган
юртдошларимизни кўклам элчиси бўлмиш
Наврўзи олам билан
чин дилдан кутлаймиз!
«O‘zGASHKLITI» DUK
жамоаси


Мафтункор фаслнинг муборак айёми –
Наврўзи олам
билан юртдошларимизни табриклаймиз
"REGISTON ISHLAB CHIQARISH" МЧЖ ЖАМОАСИ


Азиз юртдошларимизни
баҳор гулларига бурканган
Наврўзи олам
билан муборакбод этамиз.
Айём барчамизга бахту
саодат, хушкайфият
олиб келсин!
"SAMARQAND KO‘PRIK XO‘JALIGINI SAQLASHGA IXTISOSLASHTIRISH
TA'MIRLASH-FOYDALANISH KORXONASI" ЖАМОАСИ


IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
Наврўзи олам
билан азиз халқимизни табриклаймиз.

**Наманган вилояти**

# Бўлажак қурувчи – Президент стипендиати

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Муҳандислик-қурилиш институти Намангандаги етакчи олий ўқув юртларидан бири. Бу ерда ҳозир икки мингга яқин йигит-қиз таҳсил олади.**

– Қурилиш факультети таркибида бешта кафедра фаолият кўрсатади, – дейди институт ректори Шарифбой Эргашев. – Билимга чанқоқ ёшлар орасида Жамолиддин Маҳмудов ҳам бор. Бу йигит қурилиш факультетининг тўртинчи босқичида ўқийди. У яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Жамолиддин институтнинг бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши бўйича энг юқори балл билан, биринчи ўринда давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. Устози Анваржон Исомиддинов раҳбарлигида Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида изланиш олиб боришни маъқул топди. Бу борада дастлабки натижаларга ҳам эришган. Масалан, электрон ҳисоблаш машиналарига яратган дастури учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномасини олди.

Истеъдодли талаба нафақат илмий-тадқиқот, балки ўқув-услубий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий жараёнларда ҳам доимо фаол. Халқаро IELTS имтиҳонида 7-даража(C1)ни олишга эришган ва “Future Leaders” (“Келажак етакчилари”) лойиҳаси доирасида талабалар турар жойида инглиз тили фанидан тенгдошлари учун бепул ўқув курси ташкил этгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Аввалроқ, “Йил талабаси-2020” танловининг институт босқичида “Йилнинг энг фаол ташаббускор-тарғиботчи талабаси” номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Айни пайтда у Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти “Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш” йўналиши етакчиси ҳисобланади.

– Мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ қурувчилик касбига қизиққанман, – деди Жамолиддин. – Чунки бунёдкорлар доим юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келишган. Биз танлаган соҳа янада ривожланишига, янги техника ва технологиялар, рақамлаштириш кенг жорий этилишига шак-шубҳа йўқ.

# Бунёдкорликларда тадбиркорларнинг ҳиссаси бор

**Наманган вилоятига 2022 йилда Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратилди. Шу ҳисобига 9 490 ўринли умумтаълим мактаблари ва 8 та спорт зал, 15 та мактабгача таълим ташкилотлари янги қурилади ёки мукаммал таъмирланади. 11 та тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари, 4 та жисмоний тарбия ва спорт объектлари, кўплаб бошқа иншоотлар учун ҳам маблағ ажратилган.**

– Албатта, ҳукуматимизнинг бу ёрдами ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради, – дейди фахрий қурувчи Шуҳрат Йўлчибоев. – Яна бир эътиборга лойиқ масала – тадбиркорлар ҳам умумий ишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилишмоқда.

Фикрнинг исботи тариқасида яқинда Тўрақўрғон туманидаги Обод маҳалласида бўлишга тўғри келди. Бу ерда 3 457 нафар аҳоли яшайди. Мазкур гўша саховатпеша соҳибкор, деҳқону тадбиркорлари билан машҳур.

Ишбилармон Ҳамидулло Қодиров ҳам ана шундай инсонлардан. У яқинда 210 миллион сўм маблағ сарфлаб, маҳалла учун давлат-хусусий шерикчилик асосида мўъжазгина янги бино қуриб берди. Унинг очилиш маросимида сектор раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар вакиллари иштирок этишди. Янгиқўрғон туманидаги Булоқбоши маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтган сой устига эса янги кўприк қурилди. У маҳаллий тадбиркор Солижон Маматовнинг шахсий маблағи ҳисобига бунёд этилди. Узунлиги 11, эни 7 метр бўлган мустаҳкам кўприкдан 100 тоннагача юки бор транспорт воситалари ҳам бемалол ўта олади.

# Ёрдамчиликдан ўринбосарликка

Наманган тумани ҳокимининг 2022 йил 7 мартдаги қарори билан Жамшидбек Акбаров тумани ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

# Коррупцияга қарши кураш мавзуида



**Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси раҳбарияти топшириғига биноан тизимдаги ташкилотларда коррупцияга қарши кураш мавзуида суҳбатлар ўтказилмоқда.**

Ана шундай тадбир Чортоқ тумани қурилиш бўлими ходимлари иштирокида ташкил этилди. Бош бошқарма ички аудит ва комплаенс бўлими бошлиғи Бекзод Абдуллаев мамлакатимизда ушбу иллатга қарши кураш қандай олиб борилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Тадбирда қурилишда бу иллатнинг олдини олиш биринчи даражали вазифа экани қайд этилди. Бунинг учун “Шаффоф қурилиш”, “Огоҳ фуқаро” платформаларининг аҳамияти катта эканига эътибор қаратилди.

# Сиҳатгоҳ янги қиёфа касб этади

**Косонсойдаги кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи ташкил этилганига ўттиз йил бўлди.**

Бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган юртдошларимиз даволаниб, ҳордиқ чиқаришади. Яқинда Намангандаги “Архдизайнлойиҳа” МЧЖ мутахассислари сиҳатгоҳни қайта қуриш режасини ишлаб чиқишди. Тайёрланган ҳужжатларни давлат экспертизасидан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди.

**Фарғона вилояти**

# ПОЛИКЛИНИКА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТА БОШЛАДИ

**Фарғона вилояти Қува туманидаги 83-оилавий поликлиника капитал реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилди.**

Катта Деҳқонобод қишлоғида жойлашган мазкур тиббиёт муассасаси яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли фойдаланилмаётган эди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган.

Шифохона маҳалла фаоллари, сектор раҳбарлари ташаббуси билан капитал реконструкция қилиниб, бутунлай янги қиёфа касб этди. Замонавий асбоб-ускуналар, ташхис аппаратлари, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланди.

– Мукаммал таъмирдан сўнг поликлиникамиз кўркам ва чиройли кўринишга эга бўлди, – дейди 83-оилавий поликлиника катта ҳамшираси Барчиной Рўзиева. – Кенг ва ёруғ, озода хоналарда шифокор ва беморлар учун барча шароит яратилган. Замонавий тиббий ускуналарда беморларга ташхис қўйиш ва даволаш имконияти янада кенгайди. Бугун бу ерда 36 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 6 нафар малакали шифокор аҳоли саломатлиги учун масъул.

Поликлиника “Катта Деҳқонобод”, “Катта қишлоқ”, “Пандигон”, “Қашқар” ва “Жалаер” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи 15 минг 400 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Шунингдек, бу ерда кундузги шифохона ҳам ташкил этилган.









**Суратларда:** Қува туманидаги 83-оилавий поликлиникада.
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Аёлларга яна бир қулайлик

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли Қиргули мавзесида жойлашган бўлимда 40 ўринли гинекология ва 60 ўринли ҳомиладор аёллар патологияси бўлимлари мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бунинг учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 5,7 миллиард сўм сарфланиб, икки қаватли бино қисқа муддатда мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мазкур бўлим шаҳарда истиқомат қилувчи 80 минг нафар туғруқ ёшидаги аёллар учун хизмат кўрсатади.

# Сўхлик ёшларга янги мажмуа

**Сўх туманида спорт соҳаси ривожига берилаётган эътибор замирида ҳудудларда замонавий мажмуа ва комплекслар қуриш билан соҳага ёшларни жалб этишдек эзгу мақсадлар мужассам. “Сўғдиёна” спорт мажмуасида ана шундай эътибор туфайли улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

Туман марказидаги ўйингоҳ ўрнида замонавий спорт комплекси пайдо бўлди. Мазкур ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилиши сўхликларга, айниқса, ёшларга Наврўз совғаси бўлди. Ушбу мажмуани реконструкция қилиш ишлари “Барака файз” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, қурилиш ишларига 2 миллиард 546 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

# Тадбиркорлик Муҳайёхоннинг ҳаёт мазмуни

**Мамлакатимизда хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаёти ривожида тутган ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Улар ўзларининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташаббуслар кўрсатишяпти.**



Ана шундай оқилалардан бири, Риштон туманидаги “MM Porcelain” МЧЖ раҳбари Муҳайёхон Сатторовадир. Яқинда у киши Президентимизнинг Фармонига кўра, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Тадбиркор аёл янги Ўзбекистонда бизнес тармоқлари фаолиятини ривожлантириш йўлида яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятларни ўз ҳаёти ва тажрибасида кўрди.

Унинг бугунги даражага етишида риштонлик тадбиркор Усмонжон Қодировнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим ўрин тутди. У киши ўз корхонасида тайёрланган ярим тайёр кулолчилик маҳсулотларига безак бериб, четга экспорт қиларди. Муҳайёхонга ҳам бу борада йўл-йўриқ кўрсатди. Шу тариқа чет элдан харидорларни чақириб, маҳсулотларни кўрсатишди. Қисқа вақт ичида Қирғизистон ва қозоғистонлик тадбиркорлар билан алоқа боғланди ва шартномалар тузилиб, Муҳайёхон ҳам корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг экспортини йўлга қўйди.

Ҳозир корхонада 80 та доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, касаначилик асосида 5 та маҳалладаги 26 та хонадонда истиқомат қилувчи хотин-қизлар ҳам иш билан банд қилиняпти. Уларга меҳнат дафтарчаси ҳам юритиляпти. 5 та техника билан ярим тайёр маҳсулотлар ишчиларнинг уйларига элтиб берилади ва безак берилиб, тайёр ҳолга келтирилгач, яна корхонага олиб келиниб, экспортга тайёрланади. Муҳайёхон ярим тайёр маҳсулотларни асосан 12 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаётган тадбиркор Усмонжон Қодиров раҳбарлигидаги “Олимжон Илёсбек” МЧЖдан олади.

– Корхонада интизом ва тозаликка алоҳида эътибор қаратилса, ана шунда барака бўлади, – деди Муҳайёхон. – Шунингдек, ишчи-ходимлар тез-тез рағбатлантирилиб турилса, уларнинг ишга бўлган қизиқиши янада ортади.

**Қорақалпоғистон Республикаси**

# Кегайлида Андижон нафаси уфрмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – давлатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзини яхшилаш ва уларга зарур шароитларни яратиб беришга ҳамда баркамол авлодни Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашга қаратилган. Мақсадга эришиш йўлида зарур тадбирлар ўтказиляпти. Улкан ишлар барча ҳудудларда бирдай амалга ошиши учун тадбиркорлик ва ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда.**

Мана шу жараёнда Оролбўйи минтақасидаги ҳозирги вазият ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборида бўляпти. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриб бораётгани минтақадаги аҳволни кескин ўзгартириб, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолининг турмуш тарзида ҳам кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқара бошлаган эди. Давлатимиз раҳбари бу борада зарур чоралар қилинмаса, шароит ўзгармаслигини ўйлаб ташаббус кўрсатгани эса қорақалпоғистонликлар қаторида бошқаларнинг ҳам дилидаги орзулари ушалишига имкон берди.

Минтақадаги вазиятни ўнглаш учун ўтган йилнинг октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, у ерда янги, замонавий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали иш ўринлари яратиш, фуқароларни қийнаётган барча муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрини ана шу ҳудудларга йўналтириш ва топшириқ юзасидан бажариладиган барча ишлар бўйича аниқ вазифалар белгиланиб, Андижон вилоятига Кегайли тумани бириктирилган эди.

Давлат раҳбарининг топшириғидан сўнг, орадан салкам олти ой ўтмоқда. Бу борада нималар қилиняпти-ю, қандай натижалар бор, деган савол туғилиши табиий. Хусусан, андижонликларнинг ўзларига бириктирилган туманга эътибори қандай бўляпти? Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг топшириғидан кейин ҳеч вақт ўтмасдан вилоятдаги масъул раҳбарлар, ишбилармон ҳамда тадбиркорлар, фермерлар, якка тартибдаги субъектлар Кегайлига ташриф буюриб, овуллардаги манзарани батафсил ўрганишди ва қаерда қандай ишларни амалга оширишни белгилаб олишди.

Андижонликларнинг ташаббуси билан ҳудудда 2022-2023 йиллар оралиғида умумий қиймати 604 миллиард сўм бўлган 23 та турли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Ана шу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилса, уларда 1 минг 700 та янги иш ўрни яратилади. Шу ўринда бир мисол. Туманнинг Халқобод маҳалласи аҳолисини доимий иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка ўргатишни ўз зиммасига олган “Munavvaroy Agro Klaster” масъулияти чекланган жамияти раҳбари даставвал аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказиб, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганди. Сўнгра ҳар бир оилага тухумга кирган 2 минг бош товуқ тарқатгач, яна 8 мингта товуқни етказиб беришни зиммасига олган. Ҳозирда ушбу маҳалладаги хонадонлар аҳли андижонлик тадбиркорнинг кўмаги туфайли хонадонбай иш билан таъминланишди. Эътиборлиси, кластер корхона аҳолига қулайлик яратиш учун ўз вақтида товуқларга озуқа етказиб бериш, ветеринарлик хизматини йўлга қўйиш ва уйларда етиштирилаётган тухумларни қайта сотиб олиш тизимини ҳам яратди.

Ишбилармонликнинг ҳадисини олган яна бир тадбиркор –“Сабо ҳамкор” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Nethouse” туман аҳолиси хонадонларига ёзги иссиқхона ва логистика маркази қуриб бериш учун бунёдкорлик ишларини жадаллаштиряпти. Шу пайтгача овуллардаги ўнлаб оилалар учун иссиқхоналар қурилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида 150 китобхонга хизмат кўрсатувчи, умумий лойиҳа қиймати 5 миллиард сўм бўлган кутубхона қурилишида ҳам ишлар авжида. Шунингдек, барча маҳаллалардаги хонадонларга ишкомлар ҳам қуриб берилмоқда.

Асосий масалалардан бири, вақтинчалик ишсиз мақомини олганлар ҳамда дафтарлар рўйхатига киритилганларни замонавий ҳунарларга ўргатиш ҳам эътибор марказида турибди. Бу борада андижонлик тадбиркор ва ҳунармандлар ташаббуси билан туман марказида касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкиллаштирилиши йўлга қўйилган. Шу орқали аҳолини ҳунарга ўргатиш, фуқароларнинг доимий даромад манбаини шакллантириш учун ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг ихтиёрига қараб касблар бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар беriляпти.

Булар баробарида ҳудуднинг экологик ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида шу кунгача вилоятдан олиб келинган 300 минг туп терак ва 12 минг туп тут кўчатлари ўтқазилган. Бир сўз билан айтганда, кегайлиликлар бугунги кунда ўз ҳудудларида Андижон вилоятининг бетакрор ҳавосини ҳис этишмоқда.

**Навоий вилояти**

# Замонавий кутубхона фойдаланишга топширилди

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Юртимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни китобхонликка кенг жалб этишни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.**

Навоий вилоятининг Нурота туманида халқ таълими бўлими тасарруфидаги 4 қаватдан иборат “Баркамол авлод” болалар мактабига 4 миллиард 370 миллион сўм маблағ сарфланиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бинонинг 1- ва 2-қаватларида Ахборот-кутубхона маркази, 3- ва 4-қаватларида “Баркамол авлод” болалар мактаби ўз фаолиятини бошлади.

Бинонинг очилиш маросимида туман ҳокими, Абдулла Қодирий номидаги вилоят АКМ директори, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, ўқувчи ёшлар, устозлар, кенг жамоатчилик иштирок этди. “Ҳар бир хонадон китобхон” лойиҳаси асосида китобхонлик тарғиботини кучайтириб, тумандаги китобхонлик нуфузини ошириш, АКМни янги бадиий адабиётлар билан тўлдириш зарурлиги таъкидланди. Бинони таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатган Нурота тумани “Ашраф” хусусий корхонаси қурувчилари муносиб тақдирланишди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№20-21 (573-574) 2022 йил 18 март

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

# 180 ЎРИНЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти намунавий ишчи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5144-сонли қарори ижроси асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги137-сон Раёсат Мажлиси баёнига асосан “Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти” давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилди.**

**Техник иқтисодий кўрсаткичлар:**
– **қурилиш майдони** (застройка) – 903,7 м$^2$;
– **умумий майдон** – 1526,0 м$^2$;
– **қурилиш ҳажми** – 6033,0 м$^3$.

**Мактабгача таълим ташкилотининг режасида қуйидаги бино ва иншоотлар лойиҳалаштирилган:** МТТ биноси, қоровулхона, чўмилиш ҳавзаси, ёнғинга қарши сув ҳавзаси, қозонхона биноси, ташқи ҳожатхона биноси, оқова сув хандақи, болалар айвончаси, хўжалик майдони, болалар ўйингоҳи, йўл ҳаракати қоидалари майдончаси, спорт майдончаси, чиқиндихона.

Шунингдек, лойиҳада ҳовли ҳудудларини ободонлаштириш, ҳудудларни тўлиқ кўкаламзорлаштириш ишлари назарда тутилган.

МТТ биноси А ва Б блоклардан иборат.

**А блок** – 3 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 30,0х14,4 метр, қаватнинг баландлиги 3 метр.

**А блокда қуйидаги хоналар жойлашган:** 1-қаватда тамбур, вестибюль қабулхона, мудира хонаси, методист хонаси, психолог ва логопед хонаси, тиббиёт хонаси, муолажа хонаси, жиҳозлар омборхонаси, ходимлар хонаси, ходимлар учун санузел, кийиниш хонаси. 2- ва 3-қаватларда кийиниш хонаси, 30 кишилик гуруҳ ётоқхонаси, санузел, ювиниш хоналари лойиҳалаштирилган.

**Б блок** – 1 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 30,0х13,2 метр, қаватнинг баландлиги 3 метр.

**Б блокда қуйидаги хоналар жойлашган:** умумий зал, овқатланиш зали, ошхона, таомхона идишларини ювиш хонаси, ошхона идишларини ювиш хонаси, қуруқ озиқ-овқат омборхонаси, ун маҳсулотлари хонаси, ходимлар хонаси, ходимлар ювиниш хонаси, санузел, жиҳозлар омборхонаси, электрошит, кир ювиш хонаси, иситиш қувурлари хоналари мавжуд.

Бино барча муҳандислик тизимлари (сув, канализация, электр, иситиш, вентиляция, видеокузатув, ёнғин сигнализацияси) билан таъминланган.

Ушбу намунавий лойиҳа Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича Инжиниринг компанияси” Давлат унитар корхонаси (ДУК) билан келишилган ҳолда яратилган.

**“Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти” ДУК директори** - Н. Ж. Нарматов.
**Институт бош муҳандиси** - Ш. Носиров.

# ЭНЕРГИЯСАМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР БИНОЛАРНИ ҚУРИШ –
## табиат ва атроф-муҳитга етадиган зарарни камайтиради

**Нусрат НОРОВ,**
т.ф.ф.д., доц. Қурилиш вазирлиги қошидаги
Қурилишда техник меъёрлаш маркази бўлим бошлиғи.

**Ер юзида цивилизациянинг ривожланиши фойдаланилаётган энергия тури ва ҳажми билан ҳар доим чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Бугунги кунда энергиядан фойдаланиш ҳажми шунчалик кенгаймоқдаки, унинг келгусида янада кўпайиши биосфера, демакки, келажакда инсоният ривожланиши учун ҳам катта хавф туғдиради. Шу сабабли, бутун дунёда ўтган асрнинг охирги ўн йилидан бошлаб, энергиянинг қайта тикланадиган экологик тоза манбалари – қуёш ва шамолдан фойдаланишга катта эътибор қаратила бошланди.**



Масалан, дунёда ҳозир шамол энергиясини ўзлаштириш тезлиги фақатгина ахборот технологияларидан бироз ортда қолмоқда. Қазиб олинадиган ёқилғи захиралари чекланганлиги ва ёнувчан маҳсулотларнинг атроф-муҳитни ифлослантириши туфайли биноларнинг энергия таъминоти учун экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбалари, биринчи навбатда қуёш энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериляпти. АҚШ, Германия, Россия, Дания, Италия, Финляндия, Нидерландия, Япония ва бошқа ривожланган давлатларда бугунги кунда қуёш қурилмалари билан жиҳозланган энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларнинг янги турларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистонда 1997 йилда “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, 2013 йилда “Муқобил энергиядан фойдаланиб бино ва иншоотларни лойиҳалаш тўғрисида”ги, 2017 йилда “Замонавий энергиясамарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йилда “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорлари қабул қилинди. Бу қарорларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасидаги муносабатлар ҳамда имтиёзлар белгилаб берилган. Аммо амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганиш шуни кўрсатадики, имтиёзли кредитлардан фойдаланиш ва солиққа тортиш каби муқобил энергия манбаларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи механизм мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш” Миллий дастурини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда:

“Янги Ўзбекистон массивлари” давлат дастурлари доирасида қуриладиган уй-жой, ижтимоий ва тижорат объектларини қуришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи қурилмалардан кенг фойдаланиш;

хусусий сектор, ижтимоий соҳа ва маҳаллий бошқарув органлари объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишини рағбатлантириш чораларини қўллаш;

камбағал аҳоли қатламларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида давлат томонидан рағбатлантириш ва молиялаштириш механизмларини белгилаш вазифалари топширилган.

Умуман, энергиясамарадор ва энергиятежамкор бинолар қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида жиддий фикр юритишлар ўтган асрнинг охирларидан бошланди. Бу борада хорижий ва маҳаллий мутахассисларни аввало, электр энергияси ва бинони иситишга кетадиган иқтисодий сарф-харажатларни тежаш масалалари қизиқтирган. Изланишлар натижасида, бинонинг умумий энергия самарадорлигига нафақат ташқи тўсиқ конструкциялар изоляцияси ёки бинони иситиш тизими каби маълум омиллар, балки олдин ҳеч ҳисобга олинмаган бинони нисбатан қуёш ориентациясига қараб қуриш, ҳажмий тарихий ечими ва ҳоказолар ҳам таъсир қилиши аниқланди. Қизиғи, ўтган даврлар мобайнида ота-боболаримиз ушбу қоидани неча асрлар олдин билишгани ва биноларни лойиҳалаш ҳамда қуришда унга катта аҳамият берганлигини фахр билан айтишимиз мумкин.

Яқин ўтмишда, уйларни газ билан иситиш арзон бўлган даврда инсонлар иссиқликни тежовчи бинолар ҳақида деярли ўйлашмаган. Яъни, бунда қурувчи нафақат бинони иситишни, балки кўчани ҳам иситиш тўғрисида ўйлаши мумкин эди. Бугунги кунда дунё миқёсида энергия ресурсларига бўлган талабларнинг доимий равишда ўсиб бориши натижасида вазият тубдан ўзгарди. Эндиликда қурувчилар кўпроқ иссиқликни йўқотиш даражасини минималлаштиришга олиб келадиган иссиқлик сақловчи биноларни лойиҳалаш ва қуриш ҳақида ўйлаяпти. Сабаби, иссиқликнинг ташқи тўсиқ конструкцияларидан, деворлардан, деразалар тирқишларидан ўтиши ҳам бинони совиб кетишига олиб келади.

Маълумотларга кўра, биноларда иссиқлик йўқотиши даражаси шамоллатиш орқали 30-35, томдан 10-20, деразадан 20-30, девордан 15-25 ва пойдеворлар орқали йўқотиш эса 15-20 фоизни ташкил этади. Ҳозирги даврда асосий эътибор биноларнинг энергия истеъмолини пасайтиришга қаратиляпти. Шу нарса аниқланганки, биноларни иситишга энергия ресурсларининг (турли мамлакатларда 20 фоиздан 40 фоизгача) сезиларли даражадаги каттагина қисми сарфланади.

Энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларни лойиҳалаштиришнинг асосий принципи – бу ички ҳароратни, бинони ташқи тўсиқ конструкцияларини максимал герметизациялаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига иситиш ва шамолатишни қўлламаган ҳолда мақбул ҳолатда сақлаб туриш ҳисобланади. Бинонинг максимал энергиясамарадорлигига биринчи навбатда, якуний натижани ёмонлаштирмаган ҳолда иссиқлик йўқотишни камайтириш ва барча энергия жараёнларида иссиқлик энергиясидан оқилона фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Биноларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнида мавжуд бўлган экологик муаммолар мажмуасига бугунги кунда энергетика етакчи ўринларидан бирида туради. Янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларини амалий қўлланишга жалб қилиниши уларни атроф-муҳит экологиясига таъсирини ўрганишга эътибор қаратишга мажбур қилмоқда.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан энг самарадор ҳисобланган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишнинг асосий йўналиши, бу қуёш энергиясини ҳеч қандай қуёш қурилмаларидан фойдаланилмаган ҳолда биноларни иситишда қўллашдир. Ноанъанавий янги ҳосил бўлувчи манбалар энергиясини яроқли шаклга электр ёки иссиқлик ҳолига келтириш замонавий билим ва технологиялар даражасида нисбатан қимматга тушади. Барча ҳолларда ҳам улардан фойдаланиш органик ёқилғи сарфини пасайишига ва атроф-муҳитни нисбатан камроқ ифлосланишга хизмат қилади.

Энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш борасида тўпланган илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон шароити учун жорий этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларни қуришни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий асосларини шакллантириш ва уни доимий такомиллаштириб бориш;

- аҳоли ўртасида энергиясамарадор ва энергиятежамкор ресурслар асосида уй-жойларни қуриш ва улардан фойдаланиш истиқболлари тўғрисидаги тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларни қуриш ва улардан фойдаланиш борасида тўпланган илғор миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболларини татбиқ қилиш борасида оммавий ахборот воситалари ва интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли билан мулоқот ўтказиш;

- замонавий энергиясамарадор ва энергиятежамкор қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни амалиётга жорий этишни такомиллаштириш.

Хулоса шуки, энергиясамарадор ва энергиятежамкор бинолар концепцияси лойиҳаланадиган бинонинг ўзида комплекс ёндашувни намоён этиши лозим. У ўзида нафақат энергия ресурсларни тежашни, балки атроф-муҳит билан ҳамкорликдаги ғояга асосланган бутун бир фалсафани намоён этишга хизмат қилиши лозим. Бугунги кунда инсоният табиий ресурслардан меъёрдан кўпроқ ва ноодатий тарзда фойдаланиш натижасида келиб чиқаётган табиий офатлар ва экологик зиддиятлар оқибатларининг олдини олиш зарурлигини англаб етиши шарт.

# Геология фанлари университети – ГЕОЛОГЛАРНИНГ АСРИЙ ОРЗУСИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Атрофдан улкан қурилиш машиналари-ю, бетонлаш ишларининг тақир-туқури эшитилиб туради. Бино деворларига ишланган мармар плиталар тоғ-у тошлардаги мураккаб минерал қоришмаларни эсга солади. Баланд, бежирим фасадли иншоотларнинг маҳобати босади кишини.**



Шу жойда турган ёшлардан сўраган бўлдик:

– Бу қанақа иншоот?

– Геология фанлари университети.

Университет ҳудудига ташриф буюрар экансиз, ногаҳон ўзингизни табиат ва замонавий қурилиш технологиялари қоришган ғайритабиий маъвода юргандек ҳис этасиз.

Ўтган аср ҳақида гап кетганда Туркистон минтақасида жаҳолатга қарши маърифатнинг “қурилиши” ва ўлкада маънавий инқилобнинг ибтидоси ақлга келади. Бунда Ўрта Осиё университети ўлканинг асосий кадрлар тайёрловчиси ҳисобланган. Ўз даврида мазкур билим даргоҳининг тармоғи кенгайган сари марказий бошқарувда муаммолар юзага келади. Натижада Ўрта Осиё университети таркибидаги қишлоқ хўжалиги, иқтисод-молия ва педагогика каби факультетлар алоҳида институт мақомини олиб, ихтисослашади. Аммо Геология фанлари университетининг тақдири узоқ суриб, айри мақомга эришиши бизнинг давримизга тўғри келди.

Ўзбек геологларининг, соҳага ихтисослашган ўз олий ўқув юртини ташкил этиш тўғрисидаги қарийб бир асрлик орзу-истаклари Президентимизнинг 2020 йилдаги “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан рўёбга чиқди. 2020-2021 йилги ўқув йилидан эътиборан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида қурилиши давом этаётган салобатли ва кўркам таълим маскани Янги Ўзбекистоннинг бўлажак геолог талабаларини қабул қилди. Университет 8 та бакалавриат ва 9 та магистратура йўналиши бўйича геология соҳаси учун сифатли кадрлар тайёрлашга киришди.

Бугун илк қалдирғочларга таълим бераётган университетнинг қурилиши ва тугалланган биноларнинг ташқи кўриниши ҳар кимга қизиқиш уйғотиши табиий. Реконструкция ишлари икки босқичда давом эттирилиб, айрим блоклар тўла тугатилди. Дастлабки босқичда қурилган 4 та етти қаватли, 2 та тўрт қаватли ва битта беш қаватли биноларнинг 2 тасида ўқув жараёнлари олиб борилаётган бўлса, иншоотларнинг 2 тасида ётоқхона ва биттасида геология музейи фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур босқичдаги реконструкция ишларининг якунида кутубхона ва ўқув лаборатория бинолари барпо этилди.

– Университетнинг иккинчи босқичида ҳозирча учта бино қурилиши мўлжалланган, – деди қурилиш ҳудуди бошлиғи Анвар Бобожонов. – Ушбу биноларнинг иккитаси 7 қаватли ва биттаси 5 қаватдан иборат бўлади. Ўрта Осиёдаги энг йирик геология университетларидан бири бўлиши кутилаётган олий ўқув юртининг реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Жорий йил охирига қадар қурилиш тўла тугатилиб, янги бинолар университет ихтиёрига топширилади. Мазкур қурилиш майдонининг дастлабки босқичи 32 300 квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, бунинг 10 282 квадрат метрида янги бинолар тикланди. Иккинчи босқич майдони 20 700 квадрат метрни ташкил этса, жорий ҳудуднинг 4 700 квадрат метрида университетнинг янги бинолари қад ростлайди. Илгари геология йўналишида таҳсил олаётган талабалар пойтахтнинг узоқ бурчагидаги ётоқхонадан ўқишга қатнашар эди. Эндиликда олий ўқув юрти ҳудудида 468 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи қурилди.

“Prime Tower Group” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага асосан “Discovery invest” жамоаси қурилиш ишларининг иккинчи навбатини олиб бормоқда. Албатта, миллий архитектура ва қурилиш мафкурамизда барча соҳаларда бўлгани каби маҳаллийлаштиришга алоҳида урғу берилмоқда. Ушбу объект қурилишида ҳам қарийб 60 фоизга яқин қурилиш материаллари бевосита мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардир.

– “Durable beton” корхонасидан бетонни, Бекобод туманидан эса арматураларни харид қиляпмиз, – деди Анвар Бобожонов. – Пардозлаш ишларида маҳаллий “Ventum” корхонасининг маҳсулотлари қўлланилмоқда. Хусусан, ушбу пардозлаш ишларида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фибропанеллардан фойдаланяпмиз. Шунингдек, биноларнинг эшиклари “Promebel” корхонасида ишлаб чиқарилиб, ўрнатиш-монтаж ишларини ҳам бевосита мазкур компания ходимлари амалга оширишмоқда. Ўз ўрнида гранит ва мармар каби тошлар ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналаридан келтирилмоқда.

Қурилиш ишларида халқаро корхоналар ҳам иштирок этишмоқда. Хусусан, Туркиянинг “Onix” компаниясига тегишли кечаси жило тарқатувчи махсус тошлар, “MK group” фирмаси хизматларидан кенг фойдаланилмоқда.

Дастлабки ўқув йили учун университетга 6 та таълим йўналиши ва 4 та мутахассислик бўйича 200 та бакалавриат ва 40 та магистратура – умумий 240 та квота ажратилди. Режага кўра, билим даргоҳида талаба қабул қилиш миқдори ва таълим турлари йилдан-йилга ошиб боради. Келажакда 2 мингдан ортиқ илмий ходимлар ва 3 минг талабадан иборат илғор ўқув режалари, педагогик технологиялар ҳамда геологик тадқиқотларнинг деярли барча турлари билан шуғулланувчи замонавий кампус шакллантирилиши кўзда тутилган.

Университет таркибига илгари алоҳида фаолият юритган Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология тармоғи ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Геология музейи каби ташкилотлар бирлаштирилди. Университет қошида энг янги замонавий талаблар асосида ташкил этилаётган Геоинновацион технологиялар марказини жиҳозлаш учун Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларининг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 14 миллион долларга яқин 1 925 та замонавий ускуна ва инвентарлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг ерости ва ерусти бойликлари ҳар даврда эътиборда бўлиб келган. Геология фанлари университети келажакда ушбу соҳанинг ривожланиши ва миллий бойликларимизнинг маҳаллий мутахассислар томонидан тадқиқ этилиб, маъданларнинг халқимизнинг равнақига хизмат қилишини таъминлайди.

# Кичик саноат зоналарининг афзаллиги кўп

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мустақилликнинг дастлабки йилларида Тошкент вилоятининг саноат соҳасига ихтисослашган шаҳарларидан бири – Ангрен ишлаб чиқариш бўйича анча депсиниб қолганди. Бунинг боисини мутахассислар мавжуд имкониятлар бой берилаётгани ва изланишлар қилинмаётгани, шунингдек, ишбилармонлар қўллаб-қувватланмаганига қаратишган эди.**

Президентимизнинг 2017 йил 10 августдаги "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3194-сонли қарори ангренликларга дастуруламал бўлди. Қарор асосида шаҳарнинг "Гулбоғ" МФЙдаги собиқ "Резинотехника" акциядорлик жамиятидаги ҳудуднинг 2,67 гектарида кичик саноат зонаси ташкил этилганди.

Салкам беш йил оралиғида ушбу кичик саноат зонасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу ерда бир нечта лойиҳалар қатори "GREAT WALL CERAMIC INDUSTRIES" МЧЖ қўшма корхонаси жойлаштирилди. Улардан яна бири, 1,77 гектарда фаолиятини бошлаган "KAOLIN CERAMICS" МЧЖдир. Мазкур корхонада керамик маҳсулотлар ва каолин хом ашёсини қайта ишлаш бўйича қиймати 3 млн 500 доллар миқдордаги хорижий инвестиция киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа 2021 йил бошида ишга туширилганди ва турли дафтарлар рўйхатида турган кўплаб кишилар қайта ихтисослаштирилиб, доимий меҳнатга эга бўлишди.

Шу сингари ушбу ҳудудда жойлашган "Shenzhen construction equipment and engineering" МЧЖнинг ҳам бугунги ҳаракатларидан ишчи-ходимлар мамнун. Меҳнат жамоаси қоғоз коробка ва елим маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Якунланган йилда фаолиятини йўлга қўйган корхонага ўз маблағи ҳисобидан қиймати 21 миллиард сўмлик инвестиция киритилган. Корхона шу кунларда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида цехларини кенгайтирмоқда.

Юртимизда тадбиркорлар фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани туфайли ишбилармонларимиз ҳам жамиятимиз ривожига, ишсизликка барҳам бериш ва сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўринларини эгаллашга ҳаракат қилишяпти. Ангрендаги кичик саноат зонасида жойлашган "ELEKTRIK GROUP" МЧЖ жамоасида тайёрланаётган турли хилдаги истеъмолбоп маҳсулотлар нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам бозори чаққон. Корхона муассислари ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳани амалга ошириб кам бўлишмаяпти. 20 нафардан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаб, замонавий технологиялар ёрдамида улар қўлида сайқал топаётган фарфор электротехник изоляторлар сифати жиҳатдан дунёдаги энг илғор корхоналарда тайёрланаётган шу сингари маҳсулотлар билан бемалол рақобат қила олади.

Бўш турган корхоналар негизи ва ташландиқ ҳолга келиб қолган ерлардан унумли фойдаланиб, кичик саноат зоналари фаолияти йўлга қўйилгани халқимизнинг фаровон турмуш кечириши ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, четга экспорт ҳажмининг ошишига имкон бермоқда. Изчил ислоҳотлар жараёнида ўз меҳнати билан иқтисодимизни юксалтиришга ҳисса қўшаётган корхоналардан яна бири – "Angren mega biznes" МЧЖдир. Мазкур корхона икки йил аввал ўз маблағи ҳисобидан қиймати 600 миллион сўмлик лойиҳанинг ташаббускори бўлган. Бизнес-режага кўра, 0,12 гектар майдонда қурилишбоп маҳсулотларни тайёрлаш мақсад қилинган. Айни пайтда шу жамоа тайёрлаётган брусчатка, шлакоблок, бетон йўлак маҳсулотлари вилоятда бунёд қилинаётган иморатлар учун асқатяпти.

Ушбу кичик саноат зонасида хонадонларимизга кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулот тайёрлайдиган яна бир корхона – "Central asia chemicals" МЧЖ. Жамият инвесторлари томонидан 12,8 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, эндиликда кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш учун биринчи блоки қуриб битказилди. Лойиҳа доирасида тўла қувват билан иш бошланса, йилига қўлда ювишга мўлжалланган 31 тонна, автоматдагиси эса 16 тоннадан зиёд кир ювиш кукуни тайёрланади. Қурилиш ишларини жадаллаштириш ва корхонани яқин ойлар оралиғида ишга тушириш мақсадида технологик линияларни ўрнатиш жараёни тезлаштирляпти. Замонавий ускуналар Италиянинг "Desmet Ballestra" ҳамда "Mazzoni L.B." компаниялари томонидан етказиб берилмоқда. Таъкидлаш керакки, корхона иш бошласа, йилига 60 минг 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади, бу дегани сарф-харажатлар билан бирга даромад 1 трлн 762 миллиард 834 миллион сўмдир. Демак, соф даромад ўртача 300 миллиардни ташкил қилса, биринчи галда корхонада қўшимча цехлар қуришга имкон яралади. Қолаверса, ишчи-ходимларнинг манфаатдорлиги ортиб, ишлаб чиқаришга бўлган муносабатлар тубдан ўзгаради. Бу эса кичик саноат зоналарининг иқтисодиётимиз ривожи учун қанчалик муҳимлигини англаб олишимизга имкон беради.

# Ободлик пойдевори

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Каттақўрғон туманида маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги параметрлари кўриб чиқилганда асосий эътибор аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, янги қурилишлар кўламини кенгайтиришга қаратилди.**

Айтиш жоизки, туманда ўрганишлар натижасида солиққа тортиш базасига тўлиқ қамраб олинмаган жисмоний шахсларга тегишли бўлган турар ва нотураржойлар, давлат рўйхатидан ўтмаган, расмий фаолият турига мос келмайдиган ишни бажараётган айрим объектларни аниқлаб қонунийлаштиришдан ҳам анчагина маблағ жамғариш имконияти мавжуд. Булар ҳам эътибордан чиқарилмаган ҳолда келгуси режалар қамрови кенгроқ олинганлиги боиси шундан. Айни пайтда туманда "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Янгиқўрғонча" ва "Қўшқўрғон" МФЙларида ишлар бошлаб юборилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълимни ривожлантириш, янги муассасалар барпо этиш, эскирганларини таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

– Муҳими, барча вазифалар режага мувофиқ амалга оширилаётгани қувончлидир. Масалан, 2021 йилда даромадлар 78 миллиард сўм этиб белгиланган эди, ҳақиқатда 99 миллиард сўмни ташкил қилди. 2022 йилда эса 144 миллиард 723 миллион сўм даромад олишни режалаштириб, ҳозирдан шунга яраша зарур тадбирларни белгилаб қўйдик, – деди туман молия бўлими мудири в.в.б. Музроф Оббозов.

Туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан таминлаш, газ, электр тармоқларини янгилаш, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, йўлаклар қуриш ҳам эътиборда турибди. Бинобарин, маблағ тақсимотининг тўғри белгиланиши ободликка қўйилган мустаҳкам пойдевор, дейиш мумкин.

# Улкан имкониятлар мақсадга эриштиради

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ташаббускорлик ва тадбиркорликда кўзланган мақсадга эришиш учун кенг қамровли ислоҳотлар улкан имкониятлар беряпти. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, иш бошлаган тадбиркорлар ишлаб чиқаришни тўла шакллантириб, тайёрланаётган маҳсулотлар билан истеъмол бозорини тўлдириш баробарида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилишга улгуришмоқда.**

